



# MILLIY TIKLANISH

38 (151) 2011 йил 28 сентябрь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Электорат билан ишлаш

Давр шиддат билан одимламоқда. Фуқароларнинг сиёсий маданияти ва дунёқараши юксалиб, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғуси ортиб бормоқда. Эндиликда сиёсий партиялар ўз электорати билан ишлашда замонавий усуллардан фойдаланишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунда партия куйи бугунда фаолият юритаётган етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш, фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.



## Истеъдод эгалари учун яна бир қулайлик

«Реконструкция муносабати билан мактабимиз биноси бутунлай янгича қиёфага кирди. Синф хоналардаги жиҳозларни кўриб қувонасиз. Болаларнинг шодлигини айтмайсизми. Барча шароитлар муҳайё қилинган. 40 нафарга яқин устоз-мураббийларимиз ҳам чин дилдан хурсанд. Бор билим ва маҳоратини ёшлар таълим-тарбиясига қаратиш ҳаракатидалар.



## Даромадга яраша буромад

Янги асрнинг глобаллашув деб ном олган янги воқелиги одамлар, мамлакатлар ва минтакалар тақдирини бир-бирига чамбарчас боғлаб қўйди. Бугун дунёнинг бир чеккасида юз берган, бир қарашда оддий бўлиб туюладиган воқеа, ҳеч вақт ўтмай, бошқа бир чеккада одамлар ҳаётида, турмуш тарзида акс-садо бериши, маълум мураккаблиқларни чиқариши мумкин.

3 СИЁСАТ

6 ЖАРАЁН

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### ТАҲЛИЛ



Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа ...миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Ислом КАРИМОВ

## Фуқаролик жамияти: Ҳамнафас халқнинг мададкор бирлиги

### ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ҒОЯСИНИНГ РЎЁБИ ҲАКИДА

#### ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

Янги замонни янги тушунчалар тушунтиради. Ўзбекистонда энг ривожланган давлатлардаги тутум, тартиб, меъёр, янгиланишлар кўзга ташланиб бораётган. Шулардан бири — «ижтимоий ҳамкорлик» ғояси ва амалиёти. Бу — тобора демократлашган ҳаётимизнинг бир кўрсаткичи. Луғатларга қарасак, бу ибора «ижтимоий», яъни жамият, кўпчилик одамларни; «ҳамкорлик» эса «бирор соҳада ўзаро бирлашиб, аҳиллик билан бирга иш олиб бориш»; «бирга ишлашлик»; «бирор ишда бир-бирига қўмақлашиш»; «аҳиллик»; «ўзаро ёрдам»; «қўмақдошлик»ни англатди. Демак, ижтимоий ҳамкорлик Ўзбекистон халқининг бирга, аҳил, бирлашиб, ҳамжихат иш қилиши экан.

Ижтимоий ҳамкорлик — миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисолида бу ҳақда: «Ижтимоий ҳамкорлик — муроса фалсафаси бўлиб,

хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг бир мақсад йўлидаги ҳамжихатликни таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вуҷудга келади. Жамиятни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни мутлоқлаштирадиган таълимотлардан фарқли ўларок, ижтимоий ҳамкорлик ғояси бу табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсундиради», дейилади.

Агар Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Қомил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик ғоялари бир давра тузишса, ўртада Ижтимоий ҳамкорлик турса керак. Чунки у жамиятни ҳамжихат қиладиган, табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатлари сафарбар қиладиган. Демак, ижтимоий ҳамкорликни «олти ғоянинг ишбосхисси», деса бўларкан.

2-бет

### ХАБАРЛАР

#### Халқаро илмий анжуман

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетидан илғор технологиялар учун комплекс материаллар электродинамикаси масаласига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Унда юртимиздаги олий ўқув юртли ва илмий тадқиқот институтлари профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, шунингдек, Россия, АҚШ, Англия, Испания, Германия, Жанубий Корея, Бельгия, Финляндия, Саудия Арабистони каби хорижий давлатлардан физик олимлар катнашди. Халқаро илмий анжуманда бугунги кунда дунё олимлари диққат марказида турган манфий синдириш кўрсаткичи ва диэлектрик сингдирувчанликка эга бўлган сунъий материаллар олиш технологияси, уларда кузатиладиган электрик, магнит ва оптик ҳодисаларни ўрганиш ҳамда улар асосида фан-техника учун зарур бўлган янги асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш муаммолари муҳокама этилди.

Ғ.ҲАҲАНОВ,  
ЎЗА МУҲБИРИ

#### Санъат байрами

Пойтахтимизда 23-28 октябрь кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг энг йирик маданий-маърифий лойиҳаси — «Art Week Style.Uz-2011» санъат ҳафталиги бошланади.

Унда мамлакатимиз ва хорижий республикалар, дизайнерлар, санъатшунос олимлар, турли вазирилик ва идора-лар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этиди. Аънавий «Art Week Style.Uz» ҳафталиги доирасида жорий йилда ҳам турли кўргазмалар, миллий либослар фестивали, ижодий учрашувлар, жаҳоннинг номдор модалар уйи коллекциялари намойиши, ижтимоий акциялар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши режалаштирилган.

Азима ҚИЁСОВА

### КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

#### МУЛОҚОТ

## Аждодлардан мерос

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДГА ЕТКАЗИШ БУРЧИМИЗ - ДЕЙДИ ЎЗБЕКISTON «MILLIY TIKLANISH» ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ А.МИРЗАЕВ

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида барча соҳаларда йирик ислохотлар амалга оширилди, — дея сўз бошлади партия вилоят ташкилотининг етакчиси. — Хусусан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-

риш, иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида салмоқли қадамлар ташланди. — Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида сиёсий

партиялар муҳим роль ўйнаб, улар зиммасига алоҳида вазифалар юкланган. Бу борадаги ишларнинг ижроси юзасидан ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши қандай ишларни амалга оширомоқда?

3-бет

### ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ



## Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони


ЎЗМТДП ТОМОНИДАН ХОТИН-ҚИЗЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Аёл — унинг гўзаллигини гулга, баҳорга ўхшатамиз. Меҳрини қуёш тафтидан ҳам ҳароратли, қалби булоқ сувидек соф, деймиз. Аёлни улғувчи эътирофу таърифлар кўп. Аёл энг аввало — Она. У фарзандларни дунёга келтириб, камолга етказилади. Уларнинг юксак инсоний фазилатлари, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларининг мажмуаси жамият ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир қилиб, унинг маънавий қиёфасини ҳам белгилаб беради. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Дунёда жамият ёки давлатнинг нуфузини, маданий даражасини белгилайдиган мезонлар кўп. Лекин, ҳар қандай жамиятда миллатнинг, халқнинг маънавий камолотини ўзида яққол намойён этадиган бир ўлчов, таъбир жоиз бўлса бир кўзгу бор. Бу — ана шу давлат, ана шу жамиятнинг аёлларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳаётининг манфаатларини таъминлашга бўлган муносабатдир».

4-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# МАФКУРА

## ТАХЛИЛ



### Фуқаролик жамияти:

# Ҳамнафас халқнинг мададкор бирлиги

## ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ҒОЯСИНИНГ РЎБИ ҲАҚИДА

Маънавий тиббиёт деб аталган экан. Тан тиббиёти — инсон танасидаги зарарли дард, касалларни даволаса, маънавий тиббиёт инсон, жамиятдаги ёмон гоя, фикр, одат, иллат ва қилиқларнинг олдини олиб даволаган, тўзатган. Тўғри йўлга қайтарган. Бу амалий йўналиш Европада "ижтимоий педагогика", "ижтимоий иш", "аутизм" каби социал технологиялар шаклида қўлланилмоқда.

Шарқона кодексимиз, миллий маънавий меъёрлар жамиятда ижтимоий-иқтисодий, ма-

да: "Чет эл китоблари ва чет эл телевидение ва видео дастурлари уларни томоша қилаётган халқларнинг кадриятлари, маданияти ва аъналарига салбий таъсир қилиб, уларнинг миллий тараққиёти суръатига халақит бериши мумкин деб ёзган эди.

"Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қил", дейдилар. Бу огоҳлик даъватига эътиборсиз қараган айрим мамлакатлар маънавий инкироз ҳолатига тушиб қолдилар. Уларнинг олим, зиёлилари маънавий инкироз туфайли ахлоқий кадриятларнинг йўқолиб кетаётганидан; маънавий таҳдидларнинг сабаб ва оқибатлари эътиборсиз қолдирилган; "бошқариладиган тўқнашув ҳудудлари" кенгайиб бораётганидан; миллий ўзига хосликни глобал унификация гирдобини ютиб юбораётганидан; ёшлар қалби ва онгини "оммавий маданият" эгаллаб олаётганидан; уларга қарши туриши керак бўлган Миллий гоя йўқлигидан; давлат ва жамоат ташкилотларининг маънавият масаласига эътиборсизлигидан; жамиятнинг маънавий муҳити ҳимоясиз қолганидан; ёшларнинг меҳнатдан қочиб, енгил елпи ҳаётга берилиб кетганидан; мамлакатни ажнабий адабиёт, санъат, кино, видео, ОАВ, пастр савияли массмедиа маҳсулотлари босиб олаётганидан ташвишга тушиб, бонг уришмоқда.

Бир Россиялик талаба ўзининг Интернетга жойлаштирилган курс ишида шундай ёзади: "Талабаларда дунёқараш ва ахлоқ инкирози тобора кучайиб бораётди. Бунда чет эл оммавий ахборот воситалари катализатор ролини ўйнамоқда. Улар бир томондан, ёшларимизга фарб турмуш тарзини, эгоцентризмни сингдираётди. Иккинчи томондан, маданий-тарихимиздан, ахлоқий идеалларимиздан бизни тобора бегоналаштираётди".

ВВС Корпорацияси Англияда 2011 йилнинг август ойида руй берган Усмиларнинг оммавий тартибсизлиги, морадерлигини пайдо қилган ўн сабабни эълон қилди. Бирок, асосий сабаб — ёшлар тарбиясида эканлиги, бу борадаги ижтимоий ҳамкорлик эсланмабди. Ваҳоланки, "Сен қандай қилиб бу ишга аралашиб қолдинг?" деган саволга безорларнинг кўчилиши, "Ҳамма шундай қилди. Мен ҳам" деган Кўришиб турганимиз, агар умумийлиги го-

Саховат — ресурсни мақсадсиз совуриш; Яхши ота — бола қўлига катта пул берувчи позитив партнер;

Ёмон ота — боласига пул эмас, билим, малака берувчи негатив партнер; Оила — шахс эркинлигини бўғувчи занжир; Ҳиёнат — озод севги ғалабаси; Худбинлик — ўзи учун яшаш. Оила, фарзанд, ота-она учун қайғурмаслик.

Дунё ОАВларида тарқатилётган ахборотларнинг 8 фоизи холис. 92 фоизи манипуляцияга қаратилган. Интернетнинг "Одноклассники", "Фейсбук", "Wi-Fi", "В контакте", "Твиттер" ижтимоий тармоқлари ёшларга идеал "улашмоқда". Диний экстремизм, одам савдоси, халқаро терроризм интернет орқали йигит қизларимизни йўлдан уришни истаётди. Усмилар бир куннинг 40 фоизини таълим муассасаларида ўтказиб, 60 фоизда бўш қолишлари мумкин. Халқимизни бўлиб ташлаб эгаллик қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган гуруҳлар изғиб юрибди. Бу эса ижтимоий ҳамкорлик олдига гоёвий тарбияни устувор умумийлиги вазифа этиб қўймоқда.

Токи, ҳар бир йигит-қиз четдан кириб келган фикр, гоя, маълумотни "Буни тарқатаётган ким?", "Нима мақсадда?", "Менинг муносабатим қандай бўлиши керак?" деган уч савол билан кутиб олсин. Шундай экан, "1 таҳдидга 5 зарба" тренинглари орқали ёшларимизни бу "тушунча"ларга қарши туришга ўргатишимиз зарурлиги аён бўлади. Яъни, ҳар бир йигит-қиз ўша бузғунчи гоёни, уни тарқатувчини ёқасидан тутсин, уни тўхтатишнинг қонуний чораларини қўлласин, дўстларини, оиласини, танишларини огоҳлантирсин.

## АМАЛИЁТ

Ўзбекистон тинчлик, қомиллик, раҳнақ, фаровонлик худудига айланмоқда. Ҳаётимиз тобора эркинлашиб, турли нодавлат, нотижорат ташкилотлари (ННТлар) қарор топаётди. Айниқса, "Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолиимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди".

Мамлакатимизда 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ишлаётди. Бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баравар кўп. Фақат маҳаллаларнинг ўзи 10 000дан зиёд. Президентимиз маърузасида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Нуроний" жамғармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси тилга олиб ўтилди. Бу ўз ўзидан бўлаётганими? Йўқ. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ушбу соҳага доир 200дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ва улар ижросининг самараларидир.

Ижтимоий ҳамкорлигимиз қонун билан мустақамланмоқда. ННТларнинг давлатимиз томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган уч йилда Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ННТлар тақдим этган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 11 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

2011 йилнинг август ойида Ўзбекистон нотижорат нодавлат ташкилотлари Миллий ассоциациясида Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида"ги Қонунининг муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган хорижий эксперт, "Худудий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти филиали раҳбари Мюсси Север хоним сўзга чиқди. "Ҳар бир давлат ўз мақсадларига етишда одамларнинг иштирокига, сафарбарлигига таянади", деди у.

"Ўзбекистонда бунинг жуда катта имкониятлари бор. Чунки аҳолиси билимли, креатив, инновацион тафаккурга эга. ... Шу маънода тайёрланаётган "Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида"ги Қонун жуда фойдалу бўлади. Дунёда фуқаролик жамияти, бошқача қилиб айтганда "учинчи сектор"нинг роли ошиб бораётди. Ўзбекистонда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларига катта эътибор қаратилаётгани экспертларда мамнуний уйғотмоқда".

Мамлакатимизда ижтимоий ҳамкорлик ҳаракати кенг ёйила бормоқда. ННТлар маҳаллий ҳокимият органлари ва бизнес тузилмалари билан муваффақиятли ишлашаётди. Шулардан бири — Наманган вилоятидаги "Келажак нури" ННТга Дилшодбек Отабеков раҳбарлик қилади.

— "Бизнинг ташаббусларимиз", дейди Дилшодбек, "бир неча марта вилоят ҳокимлиги ва бошқа давлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. ... Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар жамоатчилик экспертизаси, муҳокамасидан ўтказилади. Бунда давлат ташкилотларига ННТларнинг рол ва ёрдами жуда керак бўлади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ННТлар фаолиятининг асосий йўналишлари — аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш ва таълимдан иборат. Кейинги пайтда тадбиркорлар билан уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик қилаётган ННТлар сони кўпайди. Уч секторнинг алоқалари тобора яхшиланиб бораётди. Бу эса ижтимоий ҳамкорлиқнинг самарали ривожланиётганини кўрсатади". (Сегодун, 12.08.2011, №64).

Ижтимоий ҳамкорлигимизнинг олий мезони Ўзбекистон Миллий ботида, 2011 йил 31 августда янгради: "Бугун мана шу саховатли заминда "Ўзбекистон — ягона уйимиз" деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вақили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз қўлга киритган ютқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини банд қўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳақлигимиз, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз".

Мана шундай мағрурлик ҳар биримизга, ҳар доим муассар бўлсин.

**Муҳаммадхон ҚУРОНОВ,**  
педагогика фанлари доктори,  
ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси

**Токи, ҳар бир йигит-қиз четдан кириб келган фикр, гоя, маълумотни "Буни тарқатаётган ким?", "Нима мақсадда?", "Менинг муносабатим қандай бўлиши керак?" деган уч савол билан кутиб олсин. Шундай экан, "1 таҳдидга 5 зарба" тренинглари орқали ёшларимизни бу "тушунча"ларга қарши туришга ўргатишимиз зарурлиги аён бўлади. Яъни, ҳар бир йигит қиз ўша бузғунчи гоёни, уни тарқатувчини ёқасидан тутсин, уни тўхтатишнинг қонуний чораларини қўлласин, дўстларини, оиласини, танишларини огоҳлантирсин.**

даний, маънавий, сиёсий муаммоларнинг олдини олувчи ўзига хос "маънавий санитария" вазифасини ўтаган. Натижада жамият тинч эволюцион, барқарор ривожланган. Деструктив, бузғунчи ҳаракатларнинг йўли тўсилган. Мана шундай соғлом ўзбекчиликнинг ҳазрат Навоий "Элга қўшулган эш топти", деб мадҳ қилган эди.

Бунинг баъзи кўринишлари миллий кадриятларига содиқ қолиб юксалган мамлакатларда ҳам учрайди. Япония: миллий бирлик, японларнинг жамоавийлиги умумийлиги даражада намоён бўлади: кечагина бир-бирига рақобат қилаётган кишилар, фирмалар миллат манфаатига дахлдор вазиятда бирданига бир-бирини қўлай бошлайдилар; жамоа "минг кўзлик девор" бўлиб, ҳар бир японнинг хатти-ҳаракатини кузатади, унинг хатти-ҳаракатидаги ахлоқий кадриятларнинг соғлигини назорат қилади... Япон ахлоқининг сирини ана шунда, дейдилар.

## ТИЗИМ

Одамнинг ўзгарадиган энг охириги нарсаси — унинг тафаккури дейдилар. Мана шу тарихан қисқа 20 йилда қўлга киритган энг муҳим ютуқларимиздан бири — халқимизнинг ўзгарган тафаккури бўлди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги тантанасида давлатимиз раҳбарининг табрик сўзида халқимиз маънавияти юксалаётганини ифодаловчи кўрсаткичлар — тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу оруз-интилишлари мужассамлиги катта гурур ва ифтихор билан таъкидланди. Бунинг асосий сабабларидан бири — Ўзбекистонда маънавий маърифий ишининг ўзига хос, миллий тизими яратилгани бўлди.

Бу тизим худди одамнинг ҳаётбахш қон томирлари каби мамлакатни қамраб олди. Президент Фармонлари, Қарорлари, фармойишлари бу тизимнинг қонуний асосини, механизмини яратди. Разм солсак, ижтимоий ҳамкорлик гоёси маънавият ва маърифат тизимига ўша йилларданқ сингдирилганини билиб оламиз. Мана, тизимни яратган кўрсатмалар:

- "Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюқ давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш..." (1994й.);
- "жамиятдаги соғлом кучлар — юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-иқидий салоҳиятини Ватан истиқболли сари йўналтириш (1994й.);"

лотларнинг маърифий тарғибот йўналишидаги имкон ва салоҳиятларини бирлаштириш, фаолиятларини мувофиқлаштириш ва замон талаблари асосида ташкил этиш... (1999й.)"

- "... халқаро майдонда мафқуравий, гоёвий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳлиқали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф тўғдириши мумкин бўлган тажовуларга қарши изчил кураш олиб бориш (2006й.)" ва х.к.

Бу тизим йил дастурларида, миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар мазмунида, байрамларимизда, тарғиботчиларнинг оташин чиқишларида, китоб ва рисола, газет ва журналлар, сайтлар, телевидение, радио, ҳашарлар, шiorлар, плакат, панно, фильм, кўшиқлар, сўхбат ва мулоқотлари, тренинг ва мультимедияларда халқимиз онги ва қалбига ҳар кун кириб бормоқда.

Мамлакатимизда йилларга берилаётган номлар моҳиятида Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт гоёси рўёби йўлидаги ижтимоий ҳамкорлигимиз барқ уриб турди. Бугун ўша йилларни хурматлаб, эсга оламиз: 1996 йил — Амир Темури йили; 1997 йил — Инсон манфаатлари йили; 1998 йил — Оила йили; 1999 йил — Аёллар йили; 2000 йил — Соғлом авлод йили; 2001 йил — Оналар ва болалар йили; 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили; 2003 йил — Обод маҳалла йили; 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили; 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили; 2006 йил — Хомийлар ва шифокорлар йили; 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили; 2008 йил — Ёшлар йили; 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили; 2010 йил — Барқамол авлод йили; 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили. Йил дастурларида давлат ва ННТларнинг Бош гоёмиз атрофида жиқлашганидан мамнун бўласиз.

## ҒОЯВИЙ ҲИМОЯ

Дунёнинг иқтисодий манзарасига қарасак, кўпчилик мамлакатларнинг молиявий инкироздан хали ҳам ўзига кела олмаганини кўраимиз. Дунёнинг мафқуравий манзарасига қарасак, айрим мамлакатларда маънавий инкироз юз бераётганини кўраимиз. ЮНЕСКО ўзининг таълим масалаларига бағишланган журнали-

# СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

● МУЛОҚОТ

### Аждодлардан мерос

**МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДГА ЕТКАЗИШ БУРЧИМИЗ - ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ А.МИРЗАЕВ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган қатор ғоя ва қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Бу жамият ҳаётида сиёсий партиялар ўрни ва нуфузини ошириш билан бирга улар зиммасига янги масъулият ва вазифалар юклатди.

Бу борада олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш, миллий қадрият урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат туйғусини янада кучайтириш, баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш эканлигини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бунга партиямиз томонидан ташкил этилаётган тадбирлар, давра суҳбатлари, ўқув-семинарларга аҳолини кенг жалб этиш орқали эришиш мумкин. Хусусан, ўтган давр мобайнида вилоят кенгаши томонидан 400 га яқин турли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Жомбой туманида ўтказилган «Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари» мавзусидаги давра суҳбатига асосий эътибор оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилди. Бундан ташқари бугунги глобаллашув шароитида ёшларни миллий истиқлол ғояларига содиқлик, аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш ва жорий «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда бағишланган «Ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темури ва темурийлар салтанатининг ўрни», «Миллий маънавиятнинг ривожига ва баркамол авлодни шакллантиришда Алишер Навоий меросининг аҳамияти», «Буюк сиймо Навоийнинг маънавий ҳаёти», «Давр, сиёсий жараёнлар - бугунги ёшлар нигоҳида», «Хусусий тадбиркорлик фаолиятида 2011 йил солиқ қонунчилиги имтиёзлари» каби мавзуларда илмий анжуман ва тадбирлар ўтказилди. Бу каби тарғибот ишлари вилоятнинг барча туманларида, чекка-чекка қишлоқларида ҳам олиб борилаётгани фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва ғояларни кенг оммага етказишга хизмат қилади.

— **Партиянинг дастурий мақсад-ғоялари ва сайловди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосида туман ва шаҳар партия Кенгаши, депутатлик гуруҳлари ҳамда БПТ фаолиятига бир назар солсак.**

— Бугун юртимизда кечаётган чуқур ўзгариш ва янгиликлар жараёнида фаол иштирок этишимиз учун барча ҳуқуқий, иқтисодий асос ва имкониятлар яратилган. Эндиликда олдимизда турган энг муҳим масала - бу ЎЗМТДП сайловди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, бунда партиямиз ижтимоий қатлами манфаатларини дадил ҳимоя қилиш, яъни электоратни ўйлантираётган муаммоларни чуқур

ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифимизни илгари суриш, муқобил лойиҳалар ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада партия кўйи бўғини фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис БПТлари етакчиларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, партия маффура-си ва ғоясини тарғиб этишнинг янги усул ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида ўнга яқин ўқув-семинарлар ўтказилди.

Ўрни келганда фаолиятимизда йўлга қўйилган яна бир тажрибага алоҳида тўхталсак. ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан «Ўзбек жанг санъати федерацияси» Самарқанд вилоят бўлими, «Хунарманд» уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда меморандумлар имзолангани ва доимий ҳамкорликда мазкур ташкилотлар билан қатор тадбир ва учрашувлар ўтказилаётгани партия электорати манфаатини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда. Масалан, партия вилоят Кенгашига миллий хунармандчилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларга имтиёзли кредитлар олдишида амалий ёрдам бериш ҳақида таклифлар тушиб туради. Жорий йилнинг июль ойида ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши ва «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатига электоратни ўйлантираётган масалалар таҳлил қилиниб, уни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга мурожаатномалар юборилди.

— **Самарқанд тарихий обидалар, маданий ёдгорликларга бой вилоят. Бу заминда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган миллий қадрият, урф-одат ва анъаналари мўжассамлашган. Уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказиш партиямизнинг асосий дастурий мақсадларидан саналади. Бу борада вилоят Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталсангиз.**

— Самарқанд ер юзининг сайқали, фирдавсмонанд шаҳар. Унинг кўрки таровати, жаҳон аҳлини лол қолдирган ҳусни - тарихий ёдгорликларини, бугунги замонавий бинолари билан уйғунлашганда янада гўзаллашади. Бу заминда шаклланган минг йиллик анъаналаримиз, урф-одатларимиз истиқлол боис қайта тикланди. Аждодларимиздан мерос моддий ва маънавий бойликларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Миллий қадриятларни тиклаш, ўзликини англаш, мустақиллик маффурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекча урф-одат ва анъаналарни шакллантириш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли давом эттириш ЎЗМТДПнинг асосий вазифаларидан. Бу партия вилоят Кенгаши фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Худуддаги меъморий обидалар, зиёратгоҳлар, қадимий қадимжоларнинг муқаддаслиги, уларни асраб-авайлашга аҳоли, хусусан ёшларда эҳтиром ва эътибор тушунчаларини янада кучайтириш доимо диққат марказимизни амалга ошириш, бунда партиямиз ижтимоий қатлами манфаатларини дадил ҳимоя қилиш, яъни электоратни ўйлантираётган муаммоларни чуқур



мажмуада ўтказилган ҳаширда «Ёшлар қаноти» фаоллари иштирок этди. Тадбир доирасида қадимчи ободонлаштирилди, ёшларга Хўжа Абду Берун шахси ва ушбу ёдгорлик ҳақида маълумотлар берилди. Бундан ташқари маҳаллий кенгашлардаги депутатлар гуруҳи вилоятдаги зиёратгоҳларни ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслар билан чиқишмоқда.

— **ЎЗМТДПнинг ҳар бир ташкилоти ўз фаолиятини доимо танқидий таҳлил қилиш амалиёти шаклланган. Шу нуқтаи назардан ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши фаолиятига назар соладиган бўлсак, аввало, қандай камчиликлар кўзга ташланади?**

— Афсуски, айрим партия ташкилотлари тадбирлар ўтказишга масъулиятсиз ёндашмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида партиянинг Пастдарғом, Нуробод, Пахтачи тумани ва Самарқанд шаҳар Кенгашлари сусткашликка йўл қўйган. Шунингдек, маҳаллий кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган айрим депутатлар фаолиятини қоникарли, деб бўлмайди. Баъзи депутатлар ҳали-ҳануз ўз депутатлик фаолиятини англаб етгани йўқ, гўёки, депутатлик уларга берилган бир оддий мансабдек. Сир эмаски, депутатга берилиши лозим бўлган саволлар, ечимини қутаётган масалалар базан тўғридан-тўғри партия ташкилотига келаяпти.

Фаолиятимизда яна бир жиддий масала борки, бу маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва уларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳаминқадар. Қолаверса, туман ва шаҳар Кенгашларида захира кадрлар билан ишлаш тизими яхши шаклланмаган. Эътиборлиси, айни пайтда Самарқанд вилоятда партияимизнинг 16141 нафар аъзоси бор. Уларни 251 та БПТ бирлаштиради. Партия вилоят Кенгаши 14 туман ва 2 та шаҳар Кенгашига эга. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 10 та, туман ва шаҳар Кенгашларига 77 та депутат ЎЗМТДПдан сайланган. Бу мазкур худудда салмоқли кучга эга эканлигимиздан далолат беради. Бу кучни партиявий вазифаларга жалб қилишни янада кучайтиришимиз лозим.

Ўз олдимизга фуқароларимиз онгида миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини юксалтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини мамлакатимиз манфаатлари йўлида хизмат қилдириш ҳамда ёшларнинг иқтидор ва истеъодларини юзага чиқариш, миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодлар меросини асраб-авайлашни мақсад қилган эканмиз, бунга биргаликдаги ҳаракат билан эришиш мумкин. Зеро, ҳамкорликда ҳикмат кўп.

**Сухбатдош:**  
**Камолитдин ХОТАМОВ,**  
**«Milliy tiklanish» мухбири**

● ЎҚУВ-СЕМИНАР

### Электорат билан ишлаш

Унда янги усуллардан фойдаланиш — давр талаби

Шундан сўнг семинар ишида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий минтақавий бўлини-маси раҳбари Х.Рауфов сўзга чиқди. Нотиқ иштирокчиларга электорат билан ишлашнинг янги, самарали усуллари, уларни амалиётга татбиқ қилиш йўллари тўғрисида атрафли маълумот ва тавсиялар берди. Семинарда «Сиёсий партияларнинг маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари», «Сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратида ва партия электорати манфаатлари йўлида устувор ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги иштироки», «Маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан электоратнинг нисбатан фаол вакилларини партия сафларига жалб этиш учун олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишларининг шакл ва усуллари» каби мавзуларда маърузалар тинланди.

Кизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда кечган ўқув-семинарда иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, амалий иш олиб бордилар.

● ТАДБИР

## Барҳаёт анъаналар — 20 йилда

мавзусида маданий тадбир ўтказилди

**Андижонда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида «Барҳаёт анъаналар — 20 йилда» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Андижон вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, вилоят ҳокимлиги ходимлари, ЎЗМТДП шаҳар, туман Кенгашлари раиси ва унинг ўринбосарлари, худудда фаолият кўрсатаётган хунармандлар, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**

Таъкидлаш жоизки, миллий хунармандчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган қадриятларимиз давомчилари ва партия фаолларини қўллаб-қувватлаш, истеъодли ёшларнинг ўз иқтидорларини намойиш этишига шароит яратиш, вилоятдаги мавжуд миллий маданий марказлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, мустақиллик йилларида қайта тикланган миллий қадрият, урф-одат ва

анъаналаримизни тарғиб-ташвиқ этишга кўмаклашиш ЎЗМТДПнинг асосий вазифаларидан бири саналади.

Йигилишини очган ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши раиси К.Отахонов куйидагиларга тўхталди: — Истиқлолнинг ўтган йигирма йили мобайнида мамлакатимиз барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришиб, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб

ўрнига эга бўлди. Хусусан, бугунги «Буюк ва муқаддасан мустақил Ватан» шiori остида «Барҳаёт анъаналар — 20 йилда» мавзусида ўтказилаётган маданий тадбир ҳам тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлаб бераётган истиқлол наъмати-дир. Қолаверса, бу каби тадбирлар ЎЗМТДПнинг сайловди Платформаси ва дастурида белгиланган мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчликни қадрият қилиш, Ватан тараққиёти ва келажакига дахлдорлик туйғусини кучайтириш, миллий қадриятларимизнинг барҳаётлигини таъминлаш, ўзлгимизни англаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Одилов ва Андижон вилоят ҳокимлиги котибият мудири А.Нурматов сўз олиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан, бунёдкорлик, sanoat, спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга

Ботиржон ШАРИПОВ, ЎЗМТДП Қизилтепа туман Кенгаши етакчи мутахассиси: — Семинарда электорат билан ишлашда БПТ томонидан аҳамият қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, энг аввало, партия ғоясини

гояларига бўлган ишончини ортттира олишимиз мумкин. Шоира ХИДИРОВА, ЎЗМТДП Хатирчи туман Кенгашидаги БПТ раҳбари: — Бугунги ўқув-семинарда партия кўйи бўғинида фао-

лият юритаётган етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш билан бирга, электорат билан ишлашда янги усуллари қўллашга қаратилган бир қатор маърузалар тинланди. Ўйлайманки, иштирокчилар мазкур тадбирдан олган билим ва кўникмаларини жойларда амалиётга татбиқ этадилар. **Ўралой ТУРДИЕВА,** «Milliy tiklanish» мухбири



қадриятларимизнинг барҳаётлигини таъминлаш, ўзлгимизни англаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Одилов ва Андижон вилоят ҳокимлиги котибият мудири А.Нурматов сўз олиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан, бунёдкорлик, sanoat, спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга

Яқунда ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифалари ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатаётган бир қатор партия аъзолари, хунармандлар диплом ва эсдалик совғалари билан тахдирланди. **Ўз МУХБИРИМИЗ**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ● ПАРТИЯ ЛОЙИХАСИ

# Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони

ЎЗМТДП ТОМОНИДАН ХОТИН-КИЗЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиклол йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий маънавиятини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қарорлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалик оилалари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари аёлларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш йўлида олиб борилаётган ишларни ҳам қонуний ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши, шунингдек, сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилганлиги ҳам аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир. “Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон эса аёлларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги масалаларни ҳал қилиш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу ислохотлар самараси ўлароқ, бугун улар жамият ҳаётининг барча баҳаларида муносиб ўрин эгаллаб, ўз билими, тажриба ва салоҳиятини юртимиз равақига ва тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ҳамда фарзандлар камолоти йўлида сафарбар этиб келмоқда.

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда юксак билимга эга, янгиликка интилувчан, ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий етакчилик мезонига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган бу йилги танловнинг қарийб икки ой давомида бўлиб ўтган туман, шаҳар ва вилоят саралаш босқичлари қўллаб-қувватлаш, сиёсий етакчилик мезонига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

етақчиларни аниқлаш имконини берди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” мавзусидаги кўрик-танловнинг республика босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари фаоллари, “Аёллар қаноти” етакчилари, хунармандлар, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни очган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Турсунов юртимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилаётгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб-қарорлар қабул қилинаётганига тўхталди. Шунингдек, партия раҳбари ўз сўзида бу каби кўрик-танловлар аёлларнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини ошириш ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда партия аёллар бўғинида сиёсий етакчилик мезонини янада кенгайтиришга замин ҳозирлашни таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча воҳаларидан республика босқичига етиб келган 14 нафар иштирокчининг учта шарт бўйича қизгин баҳс ва мurosасиз курашлари остида кечган кўрик-танлов хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг нафақат ижтимоий ҳаётда, балки сиёсий жараёнларда ҳам фаоллигини кучайтиришга хизмат қилди, десак янглишмаймиз.

— ЎЗМТДП сайловолди Платформаси ва дастурий мақсад ва вазифаларини хотин-қизлар ўртасида тарғиб қилиш, малакали, юксак билимга эга бўлган фаол ва етакчи аёлларнинг истеъдодини намойён этишига кўмаклашиш мақсадида партия томонидан турли тадбир, давра суҳбати, ўқув-семинар, конференция ва кўрик-танловлар

ўтказилмоқда, — деди ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ханифа Зокирова. — Мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилдан бундан ўтказилмоқда. Бугунги кунга келиб танловга бўлган қизиқиш ортди. Зеро, унда иштирок этган бир гуруҳ қизлар партия сафида фаолият кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, кўрик-танловнинг барча шартлари иштирокчилар томонидан партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бажарилганлиги диққатга сазовордир. Масалан, танловнинг “Агар мен депутат бўлсам” номли шартда иштирокчилар “Сайловолди дастури”да асосий эътиборини халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш, мафқуравий таҳдидлар ва уларни бартараф этиш, миллий-маънавий аънавлар ва урф-одатларни асраш, ёшларда уларга нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш, фуқароларда миллий ғурур ва ифтихор тушунчаларини кучайтириш, миллий хунармандчилик, касаначилик, оилавий бизнесни ривожлантириш каби қатор муҳим масалалар ўз аксини топиб, уларни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишини ўзига хос жиҳатлари очиб берилди.

Тадбир давомида иштирокчилар чиқарган ҳақамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Қизгин ва мurosасиз кечган баҳсларда голибликка муносиблар танланди. Яъни, ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши вакиласи Барно Болтаева биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларга Қашқадарё вилоятидан Гулзода Самадова ҳамда Наманганлик Нилуфар Расулова лойиқ деб топилди. Шунингдек, кўрик-танловда хотин-қизлар орасидан қатор қўшимча номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.



## Танлов ниҳоясида қатнашчилар фикрлари билан қизиқдик:

**Барно БОЛТАЕВА,**  
“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика кўрик-танлови голибаси, Жиззах вилояти:

— Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар қалбда дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, мустақил фикрли ва мустаҳкам позицияга эга бўлишни шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. ЎЗМТДП ҳам ана шундай сиёсий фаол, дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган, интеллектуал салоҳияти юксак хотин-қизларни ўз сафига жалб қилиш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. “Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади. Танлов орқали ҳар бир иштирокчи ўзининг ҳуқуқий, сиёсий билим даражасини мустаҳкамлаб, дунёқарашини кенгайтириб, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Сиёсий жараёнларнинг боришига теран нигоҳ билан қараш, уни атрофидагиларга ҳам етказа олиш шароити вужудга келади.

**Гулзода САМАДОВА,**  
иккинчи ўрин соҳибаси, ЎЗМТДП Қашқи туман Кенгаши  
“Ёшлар қаноти” етакчиси:

— Бугунги тадбирдан унутилмас таассуротлар олдим. Қўллаб-қувватлаш орттирдим. Шу ўринда, айтиб ўтиш ўринлики мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан хотин-қизларга кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам хотин-қизлар фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Кўрик-танлов партия сафидан хотин-қизларнинг ҳар томонлама билими, етакчи ва ташаббускор бўлишлари, юртимизда қабул қилинаётган қарорларни, Президентимиз фармон, қарор ва фармойишларидан яқиндан ҳабдор бўлиш ҳамда кенг жамоатчиликка уларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, тарғибот этишида қўл келиши шубҳасиз. Қолаверса, мазкур танлов аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзларининг муносиб хиссасини қўшишига хизмат қилади.

**Нилуфар РАСУЛОВА,**  
учинчи ўрин соҳибаси, ЎЗМТДП Тўрақўрган туман Кенгаши  
“Ёшлар қаноти” етакчиси:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан уч йилдан бундан ўтказилаётган “Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг Республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилганимдан хурсандман. Мазкур танлов биз ёшларни ҳаётда ўз ўрнимизни мустаҳкам эгаллашда, сиёсий, ҳуқуқий билимларимизни янада бойитиш, бир сўз билан айтганда халқимизга муносиб фарзанд бўлишга ундаши шубҳасиз.

**Гулноза МУСТОҒОЕВА,**  
ЎЗМУ тарих факультети 2-босқич магистранти:

— Мазкур танловни кузатиб, келгусида мен ҳам ушбу тадбирнинг қатнашчиси бўлишга аҳд қилдим. Ҳар бир вилоят вакилининг нутқи, ўз лойиҳасини илдам илгари суриши, ўзини собит тутиши ҳавасимни келтирди. Аёлларимизнинг бу қадар фаол ташаббускор ва етакчи бўлиши кишининг ўзига бўлган ишончи мустаҳкамланишини ҳис қилдим.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**  
Қамолиддин САИДУЛОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбирлари

## ● ФАОЛИЯТ

Чодак Наманган вилоятидаги энг катта қишлоқлардан бири бўлиб, 25600 нафардан ошқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ер Фарғона водийсининг энг гўзал, хушманзара қишлоқларидан бири ҳисобланади. Унинг табиати, мусавфо ҳавоси, зилол сувлари, доимо одамларни ўзига жалб қилаверади. Тоғ ён бағирларида жойлашган ушбу қишлоқ айниқса баҳор, ёз фаслида янада кўркем, файзли бўлади. Қишлоқ кўриниши кундан-кунга чирой очиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб бормоқда.

# Концепция

**ВАТАНИМИЗ РАВНАКИ, ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН БОШ МЕЗОНДИР**



Бугун юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган ислохотлар айниқса, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар сиёсий партиялардан ўз фаолиятини замон талаблари асосида янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчиси бўлишга интилоқда. Яқинда ЎЗМТДП Марказий Кенгашининг V-Пленумида вилоят кенгаши депутати сифатида иштирок этдим. Анжуманда Концепцияда илгари сурилган вазифалар асосида тасдиқланган умумпартиявий иш Дастури ва Ижроия Кўмита қарорлари бизнинг келгусидаги иш режаларимизни белгилаб берди. Хусусан, Концепциянинг мазмун-моҳиятини партия ходимлари ўртасида кенг тарғиб қилиш, ўқитиш ва ўрганиш, шунингдек, партия электорати билан ишлашда депутатлик гуруҳлари ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, кишлоғимиздаги тоғ металлургия ва сервис коллежиде Концепцияда илгари сурилган гоа ва ташаббусларни тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида тадбир ўтказдик. Унда ЎЗМТДПдан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, партия аъзолари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди. Партияимизнинг гоа-мақсадлари кенг омма орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳларимиз сифини кенгайтириш кўзда тутилган. Ўзим раҳбарлик қилаётган Олмалик тоғ металлургия комбинати Чодак кон бошқармасида хозирги кунда 820 нафардан ошқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг барчаси чодакликлар. Корхонамизда бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлиб ўзиде 500 нафардан ошқ партия аъзоларини бирлаштиради. Аъзоларимиз сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Ўтказилаётган ҳар бир тадбир, учрашувларда фаол иштирок этишмоқдалар. Буларнинг барчаси сайлов жараёнида ҳокимиятнинг вакиллик органларидан кўпроқ ўрин эгаллаш ва шу орқали электоратимиз манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Ана шундай тадбирлардан бири оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришдир. Кишлоғимизда бу соҳаларни ривожлантириш янги иш ўринларини очиб, аҳолини иш билан таъминлаш, қолаверса, моддий манфаатдорлигини оширишга эришяпмиз. Масалан, корхонамиз билан ўзаро шартнома асосида 17 нафар касаначи фаолият олиб бормоқда. Уларнинг асосини кишлоғимиз хотин-қизлари ташкил этади. Бизга иш кийимлари, қўлқоп, оёқ кийимлари ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб беришади.

Уларни ўз ишчиларимиз қатори моддий, маънавий қўллаб-қувватлаб турибмиз. Чодак кишлоғидаги йўлни таъмирлаш учун 15 миллион сўм маблағ сарфланди. ҚВПда 35 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Зарур тиббий жиҳозлар сотиб олишига кўмак бердик. “Олтинкон” шаҳарчасида жойлашган болалар боғчасини томини ёпиш ва иссиқлик тизимини йўлга қўйиш учун 30 миллион 279 минг сўмлик иш бажарилди. Буларнинг барчасини корхонамиз томонидан олаётган соф даромадларимиз эвазига амалга ошириляпти. Қолаверса, бу юмушларни бажариш вилоят Кенгаши депутати сифатида сайловчилар, электорат олдидаги бурчим ва вазифам деб биламан. Йил охиригача ана 3 та касаначи билан ўзаро шартнома тузишни режалаштириб турибмиз.

Кишлоғимиз кундан кунга кўркем, чиройли бўлиб бормоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш, юртдошларимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини кишлоғимиз мисолида кўришимиз мумкин. Чодак кишлоғига қираверишда намунавий лойиҳа асосида барча қулайликларга эга бўлган 20 та уй-жой қурилиши ниҳоясига етаяпти. Ана шу уйларнинг 13 тасини корхонамиз ишчи хизматчилари олишига ёрдамлашдик.

Бу ишларнинг барчаси Президентимизнинг халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, инсон манфаатлари йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасида рўёбга чиқмоқда.

Биз партияимиз Платформасида кўзда тутилган вазифаларни бажаримиз, электорат манфаатларини ҳимоя қилишимиз, янги гоаялар, тақдирлар беришимиз, маҳаллий кенгаш депутатлари ишини жонлантиришимиз зарур. Бу эса туман, вилоят кенгаши депутатларининг асосий иш мезони бўлмоғи керак. Бугунги ҳаётини ўзи шунини кўрсатиб турибди.

Барчамизнинг асосий мақсадимиз юртимизда кечаётган ижтимоий, иқтисодий ислохотлар қўламини англаш, унда бевосита иштирок этиш, Ватанимиз, халқимиз учун фидокорона хизмат қилишдан иборатдир. Шу билан бирга ёшларимиз бизнинг эртанимиз сифатида уларни истиқлол руҳида тарбиялашимиз, унинг моҳиятини етказишимиз, энг муҳими улар онгида шу юртга дахлдорлик ҳиссини уйғотишимиз лозим.

**Аминжон ҚҮЛДОШЕВ,**  
ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутати  
Наманган вилоят Кенгаши депутати

# ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТ

## ● МАҚСАД ВА ВАЗИФА

**Юртимизда қарийб беш мингдан зиёд ННТлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги роли ва ўрни йилдан-йилга ошмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳам бу борада самарали фаолият юртайётган ташкилотлардан бири ҳисобланади.**

### Самарали фаолият

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини оширишга доир амалга оширилган маърифий ишлар ҳамда эришилган натижалар сарҳисоби” мавзусида ўтказилган тадбир ҳам федерациянинг бугунги кундаги фаолияти, мақсад ва вазифаларига бағишланди. Тадбирда таъкидланганини, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида истеъмолчилардан жами 7293 та шикоят ва аризалар келиб тушган. Шулардан 94,6 фоизи ижобий ҳал этилган. Бунинг ҳисобига 1,626 906 000 минг, сўмдан ортиқ истеъмолчилар томонидан

кўрилган моддий зарар қопланган. Бу ўтган йилга таққосланганда истеъмолчилар фойдасига 871,8 млн. сўм ортиқча маблағ қайтариб берилганлигини кўрсатади.

Тадбирда сўзга чиққан федерация вакиллари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунларга риоя этиш, бу жараёнда таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш, федерация билан ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи бир қанча ташкилотлар ҳамкорликлари самараси ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Наргиза АСАДОВА



Бу қутлуғ кунни биз доимо зўр ҳаяжон билан эслаймиз. Илк бора қўлимизга қалам ушлатган, ҳаёт илмини ўргатган фидоий муаллим ва муаллималаримизга ҳамisha ҳурматимиз чексиз.

Истеъодли ва иқтидорли ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш йўлида тилмай изланиш олиб бораётган, меҳнат қилаётган Қарши санъат коллежининг захматкаш устоз ва мураббийлари ўз касб байрамларини катта зафарлар билан қарши олишмоқда. Коллеж ўқувчилари Республикада ўтказилган турли танловларда 3 нафари 1-ўрин, 2 нафари 2-ўрин, 8 нафари 3-ўрин яна 8 нафари Дипломантлар бўлганлиги ўқитувчиларнинг меҳнатлари маҳсулидир.

## ● САРҲИСОБ

### Анжуман

МАЪНАВИЯТ ВА ЁШЛАР МАВЗУСИДА БЎЛДИ

**Миллий қадриятларимиз, ахлоқ-одоб, маданиятимиз, бебаҳо маънавий меросимиз халқимиз томондан доимо асраб-авайлаб келинган. Айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда миллий гоя масаласига катта эътибор қаратилди. Минг йиллар мобайнида халқимизнинг қалб кўрида жой сақлаган ибратли анбана ва қадриятлар қайта тикланди.**

натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳа фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олиш, унинг энг муҳим масалаларини изчилик билан ҳал этиш, жабҳада олиб борилаётган ишларни ҳар гал янги, янада юксак босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, Юртбошимизнинг 2006 йил 25 августда “Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самараларини ошириш тўғрисида”ги қарори ташкилий ва амалий жиҳатдан ҳамда гоявий-услубий нуқтаи назардан улкан аҳамиятга эга бўлди.

Айни пайтда соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида Республика Маънавият тарғибот марказининг ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими бош мутахассиси Аҳрор Эргашев қисқача тўхталар экан, жумладан шундай деди: — Ўтган давр мобайнида Марказ томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Ватаним, қутлуғ тўйинг муборак!” шiori остида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун Президентимиз Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар онгига сингдириш бўйича таниқли олимлар ва соҳа мутахассисларидан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар томонидан шу йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жами 322 та учрашув, давра суҳбатлари ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Тарғибот гуруҳлари аъзоларига Концепция мазмун-моҳияти тарғиботини жойларда самарали ташкил этиш мақсадида тайёрланган услубий йўриқнома тарқатилди.

Матбуот анжуманидан кўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида мамлакатимизда турли соҳалар, хусусан, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, истиқлол йилларида Президентимиз Ислоом Каримов илгари сурган халқ манфаатини кўзлаш, инсон қадрини улуғлаш ва албатта, мамлакат келажаги бўлган ёш авлодга берилган юксак эътибор, маънан етук, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни воғга етказиш йўлида амалга оширилаётган амалий ишлар

Анжуманда Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан мамлакатимиздаги маънавий-маърифий, гоявий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий мавзуларда, миллий гоямиз рўёби, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган 74 номада китоб, монография ва рисолалар нашр этилиб, Республикаимизнинг барча ҳудудларига етказиб берилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, анжуманда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маркаслар билан самарали ҳамкорлиги хусусида гап борди. Бу ҳақда ҳаракатнинг Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммадҷонова, шундай деди: — Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами муносабати билан Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказлари томонидан “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” номли қўлланма чоп этилди. Шунингдек, аҳолининг кенг қатлами орасида “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” гоясини тарғиб этиш мақсадида таҳлилий фильм тайёрланди. Ушбу фильм 1 октябрдан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудларида намойиш этилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан шу йилдан бошлаб, касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида 4 босқичда “Ислохотлар биландони” республика кўрик-танловини ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу танлов орқали ёшлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда Президент асарлари орқали ўқиб-ўрганадилар.

Шунингдек, жамоатчи тарғиботчилар малакасини ошириш, улар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва бошқа қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ҳар йили анъанавий равишда “Йилнинг энг фойдаловчи тарғиботчиси” Республика кўрик-танлови ўтказиб келинаёпти.

Дилфуза РЎЗИЕВА,  
“Milliy tiklanish” муҳбири

## ● ЖАРАЁН

### Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

**Бугунги тезкор ва шиддатли даврда кечаётган сиёсий жараёнлар турли-туман ва кенг қамровли бўлиб, улар орасида инсон омилига эътибор етакчи ўринни эгаллайди. Бинобарин, ҳар қандай сиёсий жараён ҳам инсон манфаатлари атрофида қурилади, унинг сиёсий ҳаётдаги ўрнини тўлақонли таъминлаш борасида кечади. Сўёстада инсон омилининг етакчи жиҳатларидан бири эса инсон ҳуқуқларини кенг ва бир маромда таъминлаш масаласидир.**

Шу боис бўлса керак, ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари масаласи кенг жамоатчиликни, шу жумладан, халқро миқёсда — давлатлар ва халқро ташкилотларни, миллий даражада эса — давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва илмий ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлган асосий масалага айланган.

Халқро миқёсда ҳам, миллий даражада ҳам барча манфаатдор томонлар ушбу масаланинг муҳим эканини яққол англаётмоқда. 1948 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шарафлигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси имзоланганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Ушбу халқро ҳужжат Ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пакт билан биргаликда халқро майдонда инсон ҳуқуқларининг ўзига хос халқро даражадаги ифодаси, яъни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумжаҳоний тамойил ва нормалар мажмуини ташкил этади.

Бугунги нафақат юртимизда, балки бугун жаҳонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти, мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш ва тушунтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда халқро-ҳуқуқий меъёрларга тўла-тўқис амал қилиб келинмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришгач қўшилган илк халқро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда илгари сурилган тамойиллар мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида ўзининг яққол ифодасини топган. Асосий қонунимизнинг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига бағишланган қисми Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоида ва нормаларини ўзида мужассам этган бўлиб, у миллийлик, қадимий анъаналаримиз билан суғорилиб, шарқона анъаналарга мос ва хос инсон ҳуқуқларининг яққил мажмуасидир десак, муволаф бўлмайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда, шахсининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ўз ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасида 60 дан ортиқ асосий халқро ҳужжатларга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтинчи асосий халқро шартнома қатнашчиси айланди. Парламент томонидан қабул

қилинган қонунларнинг 400 дан ортиғи айнан шу соҳага йўналтирилгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди ва улар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида халқимиз босиб ўтган тарихий ва мураккаб йўлга назар ташлайдиган бўлсак, мустақил тараққиётимиз давомида нечоғли юксак ишлар амалга оширилганига яна бир бор амин бўламиз. Бугун биз фахр билан қайд этаётган юксак натижалар замирида давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошириб келаётган оқилона сиёсати мужассам раёнига бағишланган “Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган биринчи босқич ўтиш даври сифатида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётига даққур из қолдириди. Кейинги давр эса иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» гояси асосида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий негизлари яратилиб, қўшилган илк халқро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда илгари сурилган тамойиллар мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида ўзининг яққол ифодасини топган. Асосий қонунимизнинг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига бағишланган қисми Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоида ва нормаларини ўзида мужассам этган бўлиб, у миллийлик, қадимий анъаналаримиз билан суғорилиб, шарқона анъаналарга мос ва хос инсон ҳуқуқларининг яққил мажмуасидир десак, муволаф бўлмайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда, шахсининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ўз ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасида 60 дан ортиқ асосий халқро ҳужжатларга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтинчи асосий халқро шартнома қатнашчиси айланди. Парламент томонидан қабул

## ФАРҒОНА ТУМаниДАГИ 52-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЖАМОАСИ

**Ёш авлодни юксак тафаккур эгалари сифатида руҳан баркамол, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашдек энг эзгу ва шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган юртимиз ўқитувчи ва мураббийларини касб байрами билан табриклайди!**



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

Наргиза ТУРСУНОВА,  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

## ЖАРАЁН

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Истеъдод эгалари учун  
яна бир қулайликУЧКЎПРИК ТУМАНИДАГИ БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ  
ҚАЙТАДАН ТАЪМИРЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги туфайли бугунги кунга келиб соҳада катта ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Ёшларнинг билим ва иқтидорини намоёни қилиш, касб-хунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида тизимни ислоҳ қилиш, илм-фан, маданият ва санъат, маънавият ва маърифатни юксалтириш, ёшлар онгига истиқлол туйғусини синдириш, илм масканларини замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, мусиқа ва санъат мактабларини қайта реконструкция қилиш, уларнинг базасида махсус мослаштирилган янги ва замонавий бинолар барпо этиш сари дадил қадамлар ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу соҳани янада ривожлантириш йўлидаги кенг қўламли амалий ишларни бошлаб берди.

Ушбу қарорга асосан, бугунги кунда болалар мусиқа

ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш, намунавий лойиҳалар асосида мусиқа мактаблари қуриш давом этмоқда.

Биргина Фарғона вилоятида 2011-2012 ўқув йили ҳисобидан Дастурга мувофиқ замонавий лойиҳалар асосида 3 та — Фарғона шаҳри, Риштон, Тошлоқ туманларида янги би-

нолар қурилиб, фойдаланишга топширилади. 3 тасида капитал реконструкция ишлари олиб борилди. Мазкур ишларни бажариш учун жами 11 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Тендер баҳоси 1 миллиард 239 миллион сўм бўлган Учкўприк туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси тўлиқ, қайта реконструкция қилиниб, мустақиллигимизнинг кўтлуг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

— Мактабимиз биносини таъмирлашда мусиқа дарсларининг ўзига хослиги ҳисобга олиниб, шовқин пасайтириш, хоналарни безаш, жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди, - дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Маъруф Охунов. — Бу ерда махсус жиҳозланган қўшимча хоналар, рақс ва тасвирий санъат синфлари ташкил этилди. Билим даргоҳимиз 1977 йилда қурилган бўлиб, 150 ўринли эди. Илгарилари синф хоналар жиҳозланмаган, шарафитлар йўқ, иситиш тизимлари ишламас, таълим стандартлари талабига жавоб бермас эди. Реконструкция муносабати билан мактабимиз биноси бутунлай янгича қиёфага кир-

ди. Синф хоналардаги жиҳозларни кўриб қувонасиз. Болаларнинг шодлигини айтмайсизми. Бир хонадаги овоз бошқа хонага эшитилмайди. Барча шароитлар муҳайё қилинган. 40 нафарга яқин устоз мураббийларимиз ҳам чин дилдан хурсанд. Бор билим ва маҳоратини ёшлар таълим-тарбиясига қаратиш ҳаракатидалар. Ҳозир мактабимизда рақс, ўзбек чолғу асбоблари, фортепиано, тасвирий санъат каби 7 йўналишда 200 дан ортққ ёшлар таълим олмақда.

Бугунги ёшларимиз ўзларининг санъат соҳасидаги ноёб қобилиятлари, истеъдодлари билан дунёга чиқмоқда. Уларнинг изидан бораётган мактабимизнинг иқтидорли ўқувчилари ҳам "Янги авлод", "Келажак овози", "Санъат гунчалари" каби Республика танловларида қатнашмоқда. Мактабимиз ўқувчиси Файзулло Хушназаров Муҳиддин Қориёкубов номидаги Республика танловида фахрли 2-ўринни олиб, Қўқон санъат коллежига имтиёзли равишда ўқишга кирди. Бундай иқтидорли ёшларимиз кўп. Қулай шароит,



имкониятдан сўнг уларнинг сони янада ортади.

Бу эътибор, гамхўрликнинг барчаси истиқлол, мустақиллик туфайли. Ёшларимизни Ва-танга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бу бебаҳо юртнинг муқаддаслигини, уни кўз қорачи-гимиздек сақлаш кераклигини уларнинг онгига синдириш йўлида тинмай изланамиз, меҳнат қиламиз.

Мусиқа санъати сўз билан ифода этиб бўлмайдиган фикрларни етказишдек қудратга эга. Учкўприк туманидаги ёшлар орасида ҳам ана шундай қудратни рўёбга чиқарилган чин истеъдод эгалари кўплаб етишиб чиқишига ишонамиз. Зеро, бугунги кунда юртимиз таълим тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти ҳам ана шу эзгу мақсадларга қаратилган.

Эркин ДОРИПОВ,  
"Milliy tiklanish"  
муҳбири

Қуёшга  
ўхшайди устоз

Устозни қуёшга қиёслагим келади. Чунки қуёш борлиққа нур сочади, ҳаёт бахш этади. Шогирдлари қалбига зиё улашайтган устоз ҳам қуёшдек. Эл-юрт, маҳалла-кўй бундай устозларни хурмат қилади, эъзозлайди. Улар ҳамиша эл ардоғида бўлади. Самарқандлик муаллима Зарифа Аралова ҳам ҳаёт синовларидан сабот билан ўтаётган, катта тажрибага эга, изланувчан ўқитувчилардан. У болалигидан она тили ва адабиёти фанига ошуфта ўсди.

Бунга сабаб онаси. Фидойи педагог Фотима Худоёрова қиздаги истеъдодни тез пайқайди ва уни илҳомлантириб борди. Зеҳни ўткир, тиришқоқ Зарифа мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ устозлари эътиборига тушди. Она тили ва адабиёти фанига бўлган катта қизиқиш туфайли устозларининг яқин ёрдамчисига айланди. Зарифа устозлари Зайнаб Шукурова, Малика Адилвалардан фан сирларини кўнгил билан ўрганди, келажакда улардек она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлишни кўнглига тугиб қўйди. Самарқанд Давлат уни-верситетини тугатгач, иш фаолиятини шаҳардаги 16-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида бошлади. Мана, шунга ҳам 13 йил бўлибди. Ўтган давр ичида ўқитувчиликнинг нозик сирларини мактаб жамоасидаги илгор ўқитувчилар, устозларидан, шунингдек, шаҳар ва вилоятда кўзга кўринган педагоглардан эринмай ўрганди. Натижанда ўқувчилар билан ишлаш, улар шахси, иқтидорини хурмат қилиш, дарс жараёнида ўқитишнинг илгор инновацион усуллари билан фойдаланиш, янги педагогик услубларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича катта тажриба тўплади. Дарсларни илмий тарзда ташкил этиш, ҳар бир ўқувчига меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиш, индивидуал машғулотларни мунтазам ўтказиш, янги педагогик технологиялардан самарали

фойдаланиш, кўргазмалиликка эътибор, кўйинги, ўқитувчининг тинимсиз изланишлари, интилишлари унга фақат шаҳардагина эмас, вилоятда ҳам катта обрў келтирмоқда.

Зарифа Аралованинڭ ўқувчилари фан олимпиадалари, "Билимлар синови" да фахрли ўринларни қўлга киритиб келаяпти. Мактабда бўлганимизда, мактаб жамоаси ва кўпчилик ота-оналар ўқитувчи ҳақида илиқ ва салимий фикрлар билдиришди.

— Яхшиларга эргашиб муродимга етаяман. Агар фаолиятим давомида ёшларни тарбиялашга, уларни қалбига яхшилик уруғини сочишга, инсонийлик фазилатларини синдиришга ҳисса қўшолсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Мени меҳнат қилишга, яшашга ундовчи куч-шогирдларимнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга интилиши. Улардан қувончи хабар эшитсам, бу оламга сигмай кетаман, - дейди Зарифа Аралова.

Устоз мақомига эришиш, унинг юкини кўтариш осон эмас. Бунинг учун инсондан фидойилик, масъулият, ўз билимига ишонч талаб қилинади. Бундан бартасида сабоқ берган шогирдлари бугун мактабда у билан ҳамкасб. Ёш ўқитувчилар Зарифа Араловани ўзларига устоз деб билади. Устоз муаллима эса эндигина илм йўлига қадам қўйган ҳамкасбларига ўз тажрибаларини ўргатишдан чарчамайди.

Ориф ХОЛИКУЛОВ,  
"Milliy tiklanish" муҳбири

"ТОШВИЛСУВОҚОВА"  
ОАЖ ЖАМОАСИ

Устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!  
Энг масъулиятли ва гоятда шарафли меҳнатингиз роҳатини кўриб юриш ҳар бирингизга насиб этишини тилаб қоламиз.

Хонадонларингиздан бахт-саодат, тўқин-сочинлик, қут-барака аримасин!

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ  
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ  
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ  
КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Маърифатимиз фидойиларини умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин юракдан табриклайди!

"СИРДАРЁ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ"  
ОАЖ ЖАМОАСИ

Ёш авлоднинг нурли истиқболи йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган барча таълим ходимларини ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади.

Баркамол авлод таълим-тарбияси йўлидаги самарали меҳнатингиз, беқиёс жонқуярлигингиз учун қаршингизда ҳамиша таъзимдамиз!



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## БИЗНИНГ ШАРҲ

# Даромадга яраша буромад

**Оёқни кўрпага қараб узатиш тўғрисидаги мақолни эшитган бўлсангиз керак. Маъноси — ҳар қимнинг харажати даромадига яраша бўлиши лозим. Бошқа бир мақолада айтилганидек, ётиб олиб еяверишга тоғ ҳам чидамайди. Бунга амал қилинмаса, ҳисоб-китоб чалқашиб кетади.**

Кейинги йилларда дунёнинг мана-ман деган ҳар ишга қодир бели бақувват мамлакатлари иқтисодиётида юз бераётган ноҳус воқеалар юқоридаги мақолларда акс этган халқ донишмандлигининг нақадар тўғрилигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Молия-банк тизимидаги нуқсонлар, банклар ва қимматли қозғалар бозоридagi спекулятив хатти-ҳаракатлар Америка Қўшма Штатларида, Европа иттифоқида аъзо қатор мамлакатларда молиявий танглик ҳолатини юзага келтирди. АҚШда давлат қарзи 14,6 триллион доллардан ошиб кетди. Бунча пулни босиб чиқариш учун станоклар бир неча йил давомида тўхтовсиз ишлаши керак. Бундан атиги беш йил аввал бу кўрсаткич 9 триллион доллар эди. Оқ уй маъмуриятининг иқтисодий сиёсатидан норози бўлганлар Манхэттенда кўча ҳаракатини бир неча соатга тўсиб қўйишга чароқчи бўлишди. Ягона ва баланд руҳ билан яшайдиган Америкада шундай воқеа юз берди.

Греция дефолт ёқасида турибди. Италиянинг ташки қарзи мамлакат яқли ички маҳсулотига нисбатан 124 фоизни ташкил этмоқда. Испания, Португалияда ҳам молиявий тақчиллик, иқтисодий беқарорлик мавжуд. Бу ҳол бугун еврозолага ёйилиб, янги рецессия — жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг иккинчи тўлиқнига сабаб бўлиши мумкин, деган тахминлар билдирилмоқда.

АҚШ қимматли қозғаларнинг 50 фоизи хорижий инвесторлар қўлида. Мамлакатнинг кредит рейтингини пасайди, бу ҳол инвесторларни чўчйтиб юбориши, банкларга бўлган ишончни сусайтириши, етакчи биржаларда котировкаларнинг тушиб кетишига ва янада ташвиш — инвесторлар қўлидаги қимматли қозғаларнинг арзонлашуви сабаб бўлиши мумкин. Биргина Хитойда АҚШнинг 1 триллион долларга тенг қимматли қозғалари мавжуд. Улар атиги бир фоизга арзонлашса, бу мамлакат 10 миллиард доллар миқдоридан зарар кўради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, АҚШ иқтисодиётига қўйилма маблағ киритилган ҳозирнинг ўзидаёқ 2,5 триллион доллар зарар кўришган. Бу - Франциянинг бир йиллик яқли ички маҳсулоти баҳосига тенг.

Молиявий танглик оқибатлари АҚШда камбағаллар сонининг сезиларли даражада ошишига, аҳоли харид қувватининг маълум даражада пасайишига, янги ишчи ўрин-

ларини барпо этиш режаларининг деярли барбод бўлишига олиб келди. Расмий статистика маълумотларига кўра, АҚШда камбағаллар сони айти пайтда 46 миллион кишига етган. Айримлар бунга мамлакат молия вазирлиги Гайтнер олиб бораётган молиявий сиёсат сабабчи деб ҳисоблаб, унинг истеъфосини талаб қилишмоқда. Вазир жаноблари: "Республикачилар давлат қарзи даражасини оширишга аввалроқрози бўлганларида, ахвол бу қадар ташвишли бўлмас эди", деган мазмунда хотиржам жавоб кайтарди. Республикачилар бўлса ҳамма айбни Президент Обама маъмуриятига, у бошлиқ демократларга тўнкашмоқда. Бундан бир неча йил аввал, янги президент инагурация куни Американи янгилаш, қайта қуриш, иқтисодий салоҳиятини ошириш тўғрисида анча ёқимли гаплар қилганди. Рақобатчи партия вакиллари бу ваъдаларнинг кўпи амалга олмагани боис, Обаманинг мамлакатнинг давлат қарзи даражасини 2,4 триллион долларга кўтариш тўғрисидаги қарорига жиддий қаршилик қилишди. Дефолт ҳолати деярли эшик қоқа бошлаган, конгресс 26 та қарши овоз билан бу қарорни маъқуллади. Президент қонунга имзо чекди.

Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, қарз даражасини ошириш билангина молиявий тангликдан чиқиш мумкин эмас. Буни демократлар ҳам, республикачилар ҳам яқши тушунишади. Ҳўш, унда нима қилиш керак? Айбни фақат бир кишига тўнкашдан фойда йўқ. Шарҳимиз бошида айтиб ўтганимиздек, оёқни кўрпага қараб узатиш, фоз юриш қиламан деб, ортиқча чиранмаслик принципинга ахволни ўнглаши мумкин. Бу — биргина АҚШга ёки Грецияга, Испанияга ёки Португалияга тегишли иқтисодий қонда эмас. Катта ёки кичик мамлакатда бўлсин, эндидаги ички ҳолати оқибатлари билан иш бошлаган оддий фермер хўжалигида бўлсин, даромад ва харажатларнинг ўзаро мутаносиблиги сақланиши, экспорт ҳажмининг изчил ошиб бориши ва ишчи ўринларининг кўпайишига жиддий эътибор қаратилиши керак. Иккинчидан, молия-банк тизимида ўрнатилган тартиб-қоидалар жонсиз, қотиб қолган организм эмас. Берлин девори қулаганидан бери дунё бутунлай ўзгариб кетди. Нани дунё, одамлар, уларнинг касб-кори, турмуш тарзи, фикрлаш қобилияти, харид қуввати ва бошқа кўплаб жиҳатлар ҳам ўзгарди. Бугун энг оддий касб эгаси ҳам ўзи

истикомат қилаётган мамлакатда, шу яқин-атрофда, дунёнинг олис чеккаларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни фикран мушоҳада этиб, уларга мустақил равишда муносабат билдиролари, ўзи учун зарур хулосалар чиқаради. Бундан англашладиган хулоса шунки, у ёки бу мамлакат иқтисодининг оғир юқини бошқалар елкасига ортиб қўйиб, бамайлихотир юрaverадиган замонлар ўтди. Ҳар қим ўзи пиширган ошни ўзи ичиши керак.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги жамики касбларнинг 20 фоизи бундан атиги 30 йил аввал мутлақо бўлмаган. Бугун Еврозо-нада истикомат қилаётган аҳолининг ҳар ўндан бири шу ерда эмас, бошқа бир мамлакатда туғилган. Расмий ва норасмий миграция давом этмоқда, бу жараённи тақий йўли билан тўхтатиш қийин. Чунки, одамларнинг дунёқарashi, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини англаши ахборот оламнинг яқли глобаллашуви шароитида шаклланимоқда. Давлатга қаршили бўлмаган жамоат ташкилотлари, бирлашмалар,

миллиарди автомобиль ва темир йўллари, кўприк ва аэропортлар қуришга сарфланади. Яна 50 миллиард доллар маблағ олти миллион кишига ишсизлик нафақаси сифатида тўланади. Обама режасида бадавлат америкаликлардан ва йирик компаниялардан олинадиган солиқ миқдорини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган. Мутахассислар бўлса, бу чоралар нари борса икки-уч йил самара бериши, молиявий танглик муаммосини тўла ҳал қила олмаганини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, бугунги ҳолатда асосий эътиборни мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратиш лозим.

Европага назар ташласак, бу ерда ҳам воқеалар ривожини "қизгин" паллага кирган. Тинкаси қуриган Греция Европа иттифоқидан навбатдаги транс-ёрдам пулини қўлиб турибди. Ҳукуматнинг давлат харажатларини қисқартириш режаси жамият ҳаётида кескин вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди. Иқтисодчиларнинг фикри-

**Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши, унда кўзда тутилган вазифаларнинг изчиллик билан бажарилиши ва, айти чоғда, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига асосланган "ўзбек модели", жонли тил билан айтганда, айти мурдао бўлди.**

хайрия жамғармалари сони ва уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни тобора ошиб бораётти.

Обама "Ҳарикала партия қўлини кўлга бериб, биргаликда ишлаши керак, янги ишчи ўринларини яратилиши, иш жойини йўқотганларга, йўқотиш арасида турганларга, фарзандларини ўқишга, ишга жўйлаш ниятида юрганларга ёрдам кўрсатишимиз зарур. Ҳамма муаммони оддий ҳодимларга, масалан, медицина ҳамшираларига юқлаб қўйиш тўғри келмайди, миллиардерлар, йирик нефть компаниялари янада кўпроқ солиқ тўлашлари лозим", демоқда. Унинг давлат қарзини камайитириш, янги ишчи ўринларини яратиш чоралари тўғрисидаги режаси бугун оддий америкаликларда маълум умидуч-қўнларини уйғотаётти. 447 миллиард долларлик бу режа, президентнинг фикрича, мамлакат молиявий-иқтисодий ҳолатини яқшилатишига, рецессиянинг иккинчи тўлиқнидан химояланишига, иқтисодиётни соғломлаштиришига ва одамларни иш ўринларига қайтаришига муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мазкур режага кўра, бу маблагнинг 35 миллиард долларини маориф соҳаси ва факултода ҳолатлар хизмати ҳодимларини қўллаб-қувватлашга, 30 миллиард мақтабларни ривожлантиришга, 10

ча, бу режа ахволни ўнглаш ўрнига, уни янада мурраккаблаштириши мумкин. Қитъанинг ички ва ташқи муаммолари ўзига етиб ортади.

Ёрдам сўраб, қўл узатаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Йирик сармоядорлар учун узоқ йиллардан бери ишончли "сандик" бўлиб келаятган нейтрал Швейцария ҳам иқтисодий "об-ҳаво" салбий томонга ўзгармоқда. Кўри-лаётган чора-тадбирларга қарамай, Грецияда, борди-ю, дефолт юз берса, бу ҳолат кўшни мамлакатларга ҳам кўчади, натижада сармоядорлар Швейцария банкларидан бошқа "паноҳ" излашга ебкетарга катта миқдорда, бунинг устига, бир эмас — бир неча марта ёрдам кўрсатадиган хотамтойни топиш ўта мушкул. Греция иқтисодиётини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган мамлакатлар ҳозирнинг ўзидаёқ ўз пулларини қандай қилиб қайтариб олиш тўғрисида ўйлашаётганининг, Швейцарияда эса Европа иттифоқи аъзо бўлиш истагининг сустиги сабаби ҳам шунда.

Евроиттифоқга аъзо мамлакат-



ларнинг тегишли вазирлари молия операцияларини (пул жўнатмалари, акция, облигация ва бошқа қимматли қозғалар билан боғлиқ операциялар, олтин савдосига доир олди-сотти шартномаларини) солиққа тортиш масаласини муҳорам қилишмоқда. Муаммонинг бир қисмини банклар зиммасига юқлаш тақлифи эса шусиз ҳам мурраккаб шароитда турган банкларга унча ҳўш келмаётганини тушуна бўлади. Халқаро валюта жамғармасининг янги бош директори Кристин Лагард хоним юзага келган тангликни жаҳон иқтисодиётида ўсиш суратлари секинлашаётгани билан боғламоқ-режаси жамият ҳаётида кескин вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди. Иқтисодчиларнинг фикри-

Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарига айтилганидек, "жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тўздан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айти вақтда бу инқироз асосан ўз кооператив манфаатларини кўзлаб иш юритиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам таъкидлади".

Давлатимиз раҳбарининг ушбу асарига бундай инқирознинг қўла-ми ва оқибатлари қандай бўлиши бир қанча омилларга, жумладан, ҳар бир мамлакатнинг молия-валюта тизими нечоғли мустаҳкам, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, уларнинг чет эл корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва рақобатбардош-лигига боғлиқ эканилиги чўқур ва атрафлича очиб берилган.

Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши, унда кўзда тутилган вазифаларнинг изчиллик билан бажарилиши ва, айти чоғда, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига асосланган "ўзбек модели", жонли тил билан айтганда, айти мурдао бўлди. Мазкур дастурга кўра, мамлакатимизда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ташқи бозорга маҳсулот чиқараётган корхоналарни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришда қатъий тежамкорлик тизимини, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур", деган зарур ҳаётий кўрсатмаси қўнчилигини ёқиди, албатта.

2008 йили АҚШ ипотекали кредитлаш тизимидаги тангликдан бошланган жаҳон молиявий инқирози, аслида, қўтилмаган воқеа эмас эди. Кредит бериш соҳасидаги ортиқча хотамтойлик, ҳар бир банкнинг конкрет қобилиятини ҳисобга олмастик Президентимиз

монига биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла қоплатланади. Жаҳон "Мудис" рейтинг агентлиги Ўзбекистонда банк-молия тизимининг барқарорлигини бир неча йўналишларда расман эътироф этди. Мамлакатимизда касаначилик ҳаракати тобора кенг қўлоч ёймоқда, истеъдодли хўнр-мандларни, қўли гул усталарни, халқимизга хос уста-шогирдлик аъналарини қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш доимий эътиборда. Ҳар йили ўтказилаётган аънавий "Ташаббус" кўрик-танлови янги-янги номларни кашф этаётти.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-қоидаларини тўғрисида" алоҳида қонун қабул қилиш тақлиф этилган. Ўзбекистон Республикасининг шу йил 14 сентябрда қўнга кирган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонунини фикримизга далил бўла олади. Ушбу қонунга биноан, янги ташкил этилган фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйжатида қўзғилиш пайтда қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришда қатъий тежамкорлик тизимини, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур", деган зарур ҳаётий кўрсатмаси қўнчилигини ёқиди, албатта.

Ҳулоса ўрнида шунини айтиш керакки, янги асрнинг глобаллашуви деб ном олган янги воқелиги одамлар, мамлакатлар ва минтақалар тақдирини бир-бирига чамбарчас боғлаб қўйди. Бугун дунёнинг бир чеккасида юз берган, бир қарашда оддий бўлиб туоладиган воқеа, ҳеч вақт ўтмай, бошқа бир чеккада одамлар ҳаётида, турмуш тарзида акс-садо бериши, маълум мурраккабликларни чиқариши мумкин.

M. АХМАДЖОНОВ

## САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ 2514-АВТОКАРВОНИ ДУК ҲАМДА САМАРҚАНД АВТОЙЎЛОВЧИТРАНС ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИ

**1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан соҳа вакиллари самимий қутлайди! Фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, бахт-саодати йўлида кўрсатаётган олий ҳиммат хизматингизни ҳар қанча улуғласак, шарафласак шунча оз.**

**Қалбларга ёруғлик ва илиқлик бахш этувчи юрак кўрингиз ҳеч қачон сўнмасин.**

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУҲТАРАМ УСТОЗЛАР!**



# КЎЗГҮ

## ЎГИТ

Ёмон сўзга солма кулоқ ҳеч қачон,  
Кўзинг юм яланғочни кўрган ҳамон.

## БИЛАСИЗМИ?

5-серия бўйича яратилган "Пион" компьютернинг оғирлиги бор-йўғи 345 граммни ташкил қилади.

Энг митти калькулятор "Ай-Би-Эм" компанияси мутахассислари томонидан яратилган бўлиб, диаметри 0,000001 мм.ни ташкил этади.

## ТУРФА ОЛАМ

### Мозаикалар музейи

ГАЗИАНТЕП (ТУРКИЯ) ШАҲРИДА ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК МУЗЕЙЛАРДАН БИРИ ИШ БОШЛАДИ.

2008 йили қурилиши бошланган Зугма мозаикалар музейи эски фабрика ўрнида барпо этилган бўлиб, умумий майдони 30 минг квадрат километрни ташкил қилади. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу музей Тунидаги Бардо миллий музейи билан бемалол беллаша олади. Музей экспозицияларидан нафақат мозаика услубида ишланган санъат асарлари, балки қадимий Зугма шаҳри харобаларидан топилган археологик ашёлар ҳам жой олган.



### Қўриқчи тўтиқушлар

ЛОНДОН (Б.БРИТАНИЯ) ШАҲРИДАГИ ФИРМАЛАРДАН БИРИ ҚЎРИҚЧИ ИТЛАР ЎРНИГА БОБИЛАЙДИГАН ТЎТИҚУШЛАРНИ ИШГА ЁЛЛАДИ.

Тревор Берт ушбу тўтиқушларни сотиб олгунга қадар улар бундай "ноёб" ҳунарга эга эмас эди. Бир кун Тревортинмай хураётган итини тинчлантириш учун бир-икки дўк уриб қўяди. Бу орада тўтиқушлар аллақачон ит каби бобиллашми ўзлаштириб бўлишганди. Қушларда пайдо бўлган янги "ҳунар"ни сезган Берт улардан қўриқчи "ит" сифатида фойдаланишни ўйлаб қолади. Ҳозирда қўриқчи тўтиқушлар Англиядаги MP Guarding фирмасида қоровуллик қилишмоқда.



### Аватар боғи

УОЛТ ДИСНЕЙ КОМПАНИЯСИ ЎЗИНИНГ ЯНГИ БОҒИНИ АКШНИНГ ФЛОРИДА ШТАТИ ХУДУДИДА ҚУРМОҚЧИ.

Маъқурий ҳайвонот боғи ҳудудида барпо этилади. Боғда ўйлаб топилган "Пандора" сайёрасидан ташқари, болалар севиб учадиган аргимчоқ, карусель ва ҳоказо аттракционлар ҳам бўлади. 2013 йили қурилиши мўлжалланаётган боғнинг махсус бир қисми эса дўкон ва тамаддихоналар учун ажратилиши кўзда тутилган.

### Шифокорлар хавотирда

АВСТРАЛИЯЛИК ОЛИМЛАР ИНСОН УМРИНИНГ ҚИСҚАРИШИ ТЕЛЕВИЗОР БИЛАН БОҒЛИҚ ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАШМОҚДА.

Уларнинг хулосасига кўра, 25 ёшдан кейин телевизор қаршида ўтказилган ҳар бир соат инсон умрини камида 22 дақиқага қисқартирар экан. Хавотирга тушган шифокорлар телевизорни имкон қадар камроқ кўришни тавсия этишмоқда. Сабаби, узоқ вақт телевизор кўриш натижасида одам кам ҳаракат бўлиб қолади. Бу эса ўлим хавфини туғдирувчи юрак хасталиклари ёки инсультга олиб келиши мумкин экан.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

«Кафолат» ДАСК (ОАЖ) Тошкент шаҳар филиали «Молмулк суғуртаси» бўлими томонидан берилган ТВЭФЖМС бўйича KF-0539780 сонли суғурта полиси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНСИН.**

Рамазонова Наргизага тегишли Юнусобод тумани, Аҳмад Доғиш, 52/12-уйга берилган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон болаларига ўз ота-оналаридек яқин ва меҳрибон бўлган сиз азиз инсонларни касб байрамингиз -

### ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Билан чин дилдан табриклаймиз.  
Жондан азиз фарзандларингизни ҳар томонлама барқарор инсонлар этиб тарбиялаш бўлишдаги энг эзгу ишларингизда ривож топиб қўламиз!

### АЙЁМ МУБОРАК!



## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ АҲИЛ ЖАМОАСИ

Дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз,  
муҳтарам устозларни умумхалқ байрам -

### 1 ОКТЯБРЬ - ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Билан самимий табриклайди.



Барчангизга сиқат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ва шарафли ишларингизда қадам-қадам зафарлар тилаб қўламиз!

### БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## КЎРГАЗМА

### Қирол суратга олганда

Тошкент фотосуратлар уйида фотосанъат ривожига қўшган ҳиссаси учун халқаро "FotoGraNica" мукофоти совриндори, Таиланд қироли Пхумипон Адульдет-Рама IX суратга олган қирққа яқин фотосарлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Маълумки, ушбу халқаро мукофот Фонд Форум, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий академия, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Тошкент фотосуратлар уйи томонидан моҳир, ёш ва истеъдодли фотосуратчилар, шунингдек, дунёга машҳур фотоусталарни тақдирлаш учун таъсис этилган.

Таиланд Қироллигининг мамлакатимиздаги фахрий консуллиги томонидан ташкил этилган ушбу фотокўргазма икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бораётганидан далolat беради. Кўргазмага қўйилган фотосарларга келсак, уларда Таиланд қироли мамлакат ерларини, сўлим табиати-ю урф-одатларини, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаёти ва турмушдаги бахтли онлар, беғубор болаликка доир лавҳалар, умуминсоний қадриятлар, ҳаёт фалсафасини моҳирона тарзда акс эттира олган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

## САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ

1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан юртимиздаги барча устозларни самимий муборокбод этади!

Дийримиз келажаги янада нурафшон,  
ёшларимиз иқболи бундан-да порлоқ бўлиши учун меҳнатларингизда файрат ва шижоат сўнмасин!



VATAN TUYU USI HAR NARSADAN USTUN



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувоп НАҲБИДИНОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Фафурҷон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаи ХУДОЁЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САҲОЕВ  
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47  
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 919, Адади — 4177  
**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ  
**Навбатчи:** Зафар МУҲАММАД  
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ  
**Электрон почта:** e-mail: milliy@starkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 22.40.